## Ёшлар — Ватан ишончи

# ШИЖОАТ АНИҚ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛСА...

***Йигит 18 ёшга тўлгач, муддатли ҳарбий хизматга чақирилади. Бу даврда инсон умрининг жўшқин, қайноқ фаслига қадам қўяди. Чапанисига айтганда, тоғни урса талқон қилади. Буни таъкидлаётганимнинг сабаби бор, албатта. Негаки, йигит ана шу даврининг муайян муддатини армияда ўтказади. Ундаги жўшқинлик, бу шижоат ҳарб илмининг сир-асрорларини ўрганишга, жанговар тайёргарликларга қаратилади. Яъни йигит армиядаги ҳаёти давомида маълум маънода жамиятдан узилиб қолади. Тўғри, командир, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосар ва бошқа масъул ҳарбий хизматчилар бу борада посбонларга ғамхўрлик қилишади. Аммо барибир ёшларнинг қувонч, ташвишлари билан қизиқадиган, уни ҳал қилишга ёрдам берадиган ташкилот армияда ҳам керак экан.***



Ҳарбий хизматда кичик командирлар — сержантлар мактаби ёшлар билан ишлашда муҳим ўрин тутади. Кичик командирлар посбонларнинг ўз тенгдошларидан тайинланиши боис ҳам уларнинг муаммолари билан таниш, қалбларига йўл топиши осон. Аммо тенгқурларидаги шижоат, жўшқинликдан етарлича фойдалана олишда уларда муайян тажриба йўқ-да. Армияни ҳаёт мактаби, деймиз! Демак, ҳарбий хизмат ҳаётга тўғри йўлланма бермоғи даркор. Бироқ бугун армия мактабини кўрган ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда тўла ўз ўрнини топа олаяптиларми? Хуллас, мулоҳаза юритаверсак, турли фикрлар бор. Фақат муддатли ҳарбий хизматчилар учун эмас, Қуролли Кучларимиз эртаси бўлган ёш офицерлар учун ҳам ёшлар билан ишловчи ташкилот лозим.

Хўш, ҳарбийларимиз Президентимизнинг «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» дея номланган нутқини қай тарзда қабул қилмоқда? Қандай таклиф, истаклар билан чиқишмоқда? Умуман, қисм ва бўлинмаларда ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотини улар қандай тасаввур қилишмоқда?

**Акбар Абдуллаев, курсант.**

*— Тузилажак ташкилот деймизми, ҳаракатми, бу биз ёшларнинг муаммоларини ечадиган, ғоя ва фикрларини умумлаштирадиган бўлса. Мана, масалан, аскар муддатли ҳарбий хизматни тугатиб, уйига қайтди, яшаш жойида иш тополмади, дейлик. Демак, бекорчига айланади. Бунинг олдини олиш учун ёшлар билан ишлайдиган — ҳар бир ҳарбий қисмда фаолият кўрсатадиган бу ташкилот аскарларга ҳарбий соҳа билан бирга бошқа ҳунар, билимларни эгаллашда ёрдамлашса. Қолаверса, ҳарбий билим юртлари ўртасида фанлар бўйича олимпиадалар ўтказилишини ташкил этса, яхши бўларди.*

**Гуласал Эшонқулов, оддий аскар.**

*— Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда иқтидорли, ҳар томонлама етакчи посбонлар бор. Ҳарбий жамоаларда ёшлар ҳаракатининг бошланғич ташкилоти тузилганда, ана шу посбонларга — етакчиларга эътибор қаратмоқ зарур.*

**Мақсуд Абилов, майор.**

*— Ёшларнинг ўзи, бу ҳаракатнинг асосини ташкил қилади. Ташаббус, таклиф ҳам қуйидан бўлмоғи керак. Тан олиш лозим, армияда хизмат қилаётган йигитлар ҳақида асарлар, ашулалар кам. Мен шундай таклиф қилардимки, бу ҳаракатнинг ҳар бир қисмдаги бўлимларида турли клублар ташкил қилиниб, унда ёшларни касб-ҳунарга ўргатувчи тўгараклар, маданий-маърифий ишлар амалга оширилса.*

Менимча, бўлинма, гуруҳ, взводларда бошланғич ташкилот сайлаган етакчилар ишни олиб борса бўлади. Аммо батальон ва ҳарбий жамоанинг бошқа йирик бўғинларида ёшлар ташкилотига раҳбарлик лавозими жорий қилиниб, у бошқа вазифалардан озод қилиниши тарафдориман.

**Алижон САФАРОВ,**
**катта лейтенат.**

---

Анжуман

## Маркетинг қандай аҳамиятга эга?

Тошкент Давлат техника университетида бўлиб ўтган ўқув-услубий семинар ана шу мавзуга бағишланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари фаолиятида маркетингнинг ўрни ва аҳамияти хусусида кўп гапирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ икки йил аввал барча олий ўқув юртларида маркетинг хизматлари ташкил этилган эди. Бугунги кунда Тошкент Давлат техника университетида талабалар қабул қилиш илмий ва ижтимоий маркетинг тадқиқотлари натижалари бўйича шакллантирилган “буюртмалар портфели” асосида амалга оширилмоқда.

Семинар иштирокчилари ривожланган мамлакатлар таълим муассасалари маркетинг хизматлари тажрибасидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари хусусида ҳам мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

---

## Қонун лойиҳаси — муҳокамада

# Йигирма беш ёш тўғри келармикан?

***«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлаш ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйишни Юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш хусусида қўйилган вазифаларни бажариш сари қўйилган амалий қадам сифатида баҳоламоқ керак.***

***Янги таҳрирдаги лойиҳа, айтиш жоизки, анча пухта тайёрланган. Лекин камчиликлар ҳам йўқ эмас. Шу боис бир қатор таклиф ва мулоҳазаларимизни билдиришга жазм этдик.***

Лойиҳанинг 4-модда, иккинчи хатбошисидаги «ташкилотлар» жумласидан сўнг «мулк шаклидан қатъи назар юридик шахслар» жумласини киритиш зарур. Чунки, айни пайтда, турли мулкчилик шаклига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатаяпти. Шундай экан улар ҳам прокуратура органларининг назорат предмети сифатида, албатта, қайд қилиниши керак.

4-модда, бешинчи хатбошидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини таъминлашни назорат қилиш» жумласини ҳам киритиш лозим. Чунки Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳуқуқий кучга эга бўлган меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларнинг бир хилда ва аниқ бажарилишини назорат қилиш прокуратура органларининг вазифаси сифатида белгилаб қўйилиши керак.

Яна бир таклиф. Лойиҳанинг 14-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори «Ўзбекистон Республика Олий Мажлисига ҳар беш йилда бир марта ўз фаолияти ҳақида ҳисобот беради» дейилган. Бир чақирилган Олий Мажлиснинг ваколат муддати беш йил. Унда Бош прокурор қайси Олий Мажлисга ҳисобот беради? Бундан ташқари Бош прокурор ҳозирда ўзига бўйсунувчи прокурорларнинг фаолиятини ҳар икки ярим йилда баҳолаб боради. Шу сабабли ушбу бандга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори «беш йилда камида икки марта ҳисобот беради», деб ўзгартириш киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу моддадан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси мақомини белгилаб берувчи алоҳида модда киритиш зарур, деб ўйлайман. Агар шу таклиф амалга ошадиган бўлса, унда 16-моддадаги Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Транспорт прокуратурасига тегишли бандларни чиқариб ташлаш лозим.

Лойиҳанинг 20-моддасида «Қонунийлик бузилганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа хабарлар бўйича, асослар мавжуд бўлганда эса прокурорнинг шахсий ташаббуси билан» текширишлар ўтказиш мумкинлиги айтилган. Ҳолбуки, Президентимизнинг ташаббуслари билан МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, бизнинг мамлакатимизда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгаши ташкил этилди, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорати тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар айни пайтда самарали ишлаб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳар хил аралашувлардан сақлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 8 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Юртбошимиз қонунга риоя қилиш мансабдор учун ҳам, оддий фуқаро учун ҳам баробар бўлиши зарурлигини яна бир бор таъкидладилар. Назаримда, ушбу 20-модда биринчидан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорати тўғрисида»ги Қонун ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа қонунларга зиддир. Иккинчидан, прокуратура органларига ортиқча ваколат бериш тизимда суиистеъмолчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ана шундай сабаблар туфайли ушбу модда «Қонунлар ижросини текшириш, фуқароларнинг ариза, шикоят ва хабарлари юзасидан текширувлар ўтказиш «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорати тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартиблар асосида амалга оширилади» деган таҳрирда баён этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

21-модданинг иккинчи, учинчи хатбошисидаги «монеликсиз» жумласидан олдин ва тўртинчи хатбошининг тўртинчи қаторидаги «ташкилотлар фаолиятини» жумласидан кейин ҳам «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорати тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган тартибда» деган жумлани киритиш зарур. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир мансабдор шахс ва фуқаро қонун олдида баробардир.

23-модда ўнинчи хатбошини «етарли асослар мавжуд бўлган ҳолларда» жумласи билан тўлдириш зарур. Чунки амалдаги процессуал қонун талабларига кўра суриштирувчи ва терговчи мустақил мансабдор шахс ҳисобланиб, қонун талаблари асосида иш юритиши белгилаб қўйилган. Лойиҳада ана шу жумланинг мавжуд эмаслиги прокурорнинг жиноят ишларини бир терговчи ёки суриштирувчидан бошқасига асоссиз равишда олиб бериб, суиистеъмолчиликка йўл қўйишига имконият беради.

Лойиҳада 38-модданинг учинчи хатбошисига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланиши кўзда тутилган. Лекин «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва таълим стандартларига мувофиқ фуқаролар 25 ёшга етганидагина тўлиқ олий маълумотга эга бўлади. Шу боис ушбу хатбошини тўлиқ чиқариб ташлаб, қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқдир: «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда энг камида ўн йил ишлаган, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда энг камида уч йил ишлаган, давлат тилини эркин биладиган шахслар тайинланади».

***Жамол ИСРОИЛОВ,***
**Оқдарё туманидаги 2-ўрта мактаб директори, Олий Мажлис депутати.**

---

***“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти мустақиллигимизнинг ўн йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йилига бағишлаб бир жилдлик “Болалар энциклопедияси”ни нашрдан чиқарди. Кичкинтойларга мўлжаллаб лотин алифбосида чоп этилган илк қомуснинг мундарижаси ғоят кенг ва ранг-баранг.***

## Болалар дунёси қомуси

Китобдан “Арктика”дан тортиб “Африка”гача, “Дельфин”дан — “Дунёнинг етти мўъжизаси”гача, “Математика”дан — “Молекула”гача, “Айиқ”дан — “Асалари”гача, “Автомат”дан — “Компьютер”гача, “Бизнес”дан — “Маркетинг”гача, “Ҳужайра”дан — “Ҳумо”гача, қисқаси, “А” дан “Ҳ” ҳарфигача барча мақолалар алифбо тартибида ўрин олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, китобдаги талай мақолалар мустақил Ўзбекистон Республикаси, унинг пойтахти Тошкент, қадимий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хивага бағишланган. “Байроқ”, “Герб”, “Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси” каби мақолаларда эса Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари ҳақидаги маълумотлар қизиқарли йўсинда баён этилган.




Китобда жаҳоннинг энг машҳур кишилари, халқ қаҳрамонлари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, рассом ва музикачилар ҳамда бошқа соҳаларнинг вакиллари ҳаёти ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Имом Бухорий, Ибн Сино, Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти қисқа ривоят ҳамда ҳикоятлар орқали қизиқарли акс эттирилган.

Шунингдек, нашриёт мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига яна бир туфҳа тайёрлади. Жонажон Ўзбекистонимизнинг жўғрофий жойлашуви, ер ости ва ер усти бойликлари, иқлими, маданий-маърифий ҳаёти, кўп миллатли аҳолиси ва ўтмиши, бугунги бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берувчи “Республика Узбекистан” номли китобни ҳам нашрдан чиқарди. Унда давлатчилигимиз тарихи, мустақил Ўзбекистоннинг давлат тузуми, рамзлари, ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиёти, ишлаб чиқариш салоҳияти, илм-фани, маданияти, тарихий ва замонавий меъморий ёдгорликлари, миллий қадриятлари ва урф-одатлари ҳақидаги маълумотлар жамланган.

**(ЎзА)**

---

## ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖ — АСОСИЙ МЕЗОН



*Бекобод туманидаги «Далварзин» ширкат хўжалиги ҳудудида 125 минг аҳоли яшайди. Уларни нон ва нон маҳсулотлари билан «Далварзин» нон заводи жамоаси таъминлайди. Илгари бу корхонада ойига 80-90 тонна маҳсулот ишлаб чиқариларди. Истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжи ўрганилгач, ана шу кўрсаткич 200 тоннага етказилди. Шу билан бирга, заводда ҳар ойда 3 тонна қандолат маҳсулотлари ҳам тайёрланмоқда. Тез орада яхна ичимликлар ва макарон ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Шунда яна 10-15 ишчи ўрни очилади.*

**СУРАТДА: нон заводининг ишчилари Санобар Эгамбердиева ва Шавкат Қудратов ҳар доим сифатли нон пиширишга ҳаракат қиладилар.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

---

Қишлокдан мактуб

# ҚЎШРАБОТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТЛАРИ

“...Дўстим бор. Тошкентда яшайди. Қишлоққа кам келса-да, қалбида киндик қони тўкилган юртига меҳри бўлакчалигини сезиб тураман. Ҳар хатида “яқин орада келмоқчи бўлсанг, тегирмон унидан пиширилган тандир нон олиб кел” деб ёзади. Борган пайтларим ҳам саломлашар-саломлашмас, “Нон олиб келдингми?” - дея сўрайди. Қушхалта (кичик халтача)даги туршак, қурт, чаккини кўриб, кўзлари қувнаб кетади. Бола-чақаси билан қишлоқдан келган “мозорбости” егуликларга ёпишади. Тандир нонни чойга ботириб-ботириб “ураётиб”, “Бу нон олдида паловхонтўранг ҳам ўтаверсин, жўра” деб қўяди. Мен у қишлоқни, қишлоқдошларини соғинганини сезаман.

Кеча ундан яна хат олдим. У бу гал қўшработликлар қиш чилласидан қандай чиққанликларидан тортиб, баҳорни қандай кутиб олишаётганларигача, юртдошларининг турмуш тарзи, ҳаёти ва ёшлар тарбиясигача бўлган масалалар билан қизиқибди.

...Дўстим, қишлоқда ҳар галгидек ҳаёт қайнаб турибди. Чорвадорлар қишловдан беталафот чиқишди. Чиқим йўқ. Кузги ғалла майсалари оппоқ қор остида, баравж. Мудроқ бостан боғ-роғлардаги довдарахтларнинг шакл-шамойили мева-чева бу йил ҳам мўл бўлишидан дарак беряпти.

Энг муҳими, одамларнинг кайфияти яхши. Ахир, Юртбошимиз Ислом Каримов йўлбошчилигида республикамиз ҳукумати элни дориламон кунлар сари етаклаяпти. “Бой бўламан, мулкдор бўламан” деганларга йўл очиб берса, томорқа оласанми, “ма, ол”, кредит керакми, “марҳамат”, — деса, ким қувватламайди.

Шу боисми, одамлар ҳозир қишлоқ фуқаролари йиғинига, хўжалик раҳбарларига, банк раҳбарларига, туман ҳокимлигига ҳар қачонгидан кўпроқ келишяпти. Уларнинг истак талабларини вақтида ҳал этиш, дардига малҳам бўлиш, йиғинимизнинг ҳам, раҳбарларимизнинг ҳам асосий иши бўлиб қолди. Жойларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказяпмиз. Яқинда туман ҳокими Фахриддин Ҳамроев ташаббуси билан бизнинг қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида мавжуд муаммолар ўрганиб чиқилди. 34 та катта-кичик қишлоқда яшаётган 10 мингдан зиёдроқ аҳоли ташвишлари ечимини тезлаштириш учун ҳар ҳафтанинг пайшанба куни қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида туман ҳокими ўринбосарлари ва етакчи мутахассислар билан қабул кунлари ташкил этдик.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлар, нафақахўрлар, кўп болали оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик яна кучайди. Улардан тез-тез хабар олиб туриш, дори-дармонлардан ёрдам қилиш, нафақа ва пенсия пулларини уйларига олиб бориб бериш сингари тадбирларни амалга оширдик. Биринчи навбатда боқувчисини йўқотган, сурункали касалликка чалинган, болаликдан ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиляпти. Ўтган йили шундай 304 оилага моддий мадад берилди. Қишлоқлараро транспорт ҳаракатидаги узилишларга ҳам чек қўйилди.

Ёшларни иш билан таъминлашга, уларнинг маънавий-маърифий тарбияси билан шуғулланишга маҳалла қўмиталари, мактаблар, муассасалар, маданий-маиший шохобчалар жамоалари масъулият билан ёндошмоқдалар. Бунда уларга Президентимизнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқи дастуриламал бўлмоқда. Айни кунларда жамоаларда фаол йигит-қизлар уларнинг етакчилари қилиб сайланмоқдалар, турли таклиф-истаклар билдириляпти.



Фуқароларнинг уй-жой қуриш учун ер сўраб берган аризалари қишлоқ фуқаролари йиғини маслаҳат кенгаши аъзолари иштирокида кўриб чиқиляпти. Бугунгача 13 оилага ер майдони ажратдик. Йиғинимиз ҳудудида қишлоқ касалхонаси, фельдшерлик тармоқлари малакали мутахассислар ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Республика ўрмончилик бош бошқармасига қарашли “Фозилмон” ихтисослашган давлат хўжалигида етиштирилаётган доривор ўсимликлар, ўрмончилик майдонлари, табиий дарахтзорлар, бутазорлар парвариши ва муҳофазасига эътибор кучайди. Кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишни бошладик. “Мустақилликнинг 10 йиллиги” номи билан боғ ташкил этиш ниятимиз бор. Хўжаликнинг ёрдамчи даромад манбаи - уч минг бош қоракўл қўй сонини тўрт-беш минг бошга етказишни мўлжаллаб турибмиз.

Яна бир янгилик: 1991-1992 йилларда бошланган Охчобсой сув омбори қурилишида бурилиш ясалди. 2000 йил декабр ойининг ўзидаёқ Самарқанд сув қурилиш трестига қарашли хўжалик ҳисобидаги участка бунёдкорлари томонидан қурилишда 20 миллион сўмлик иш бажарилди. Ҳадемай бу ерда “Ўзбеколтин” бирлашмасининг “Қизилқум” артели жамоаси ҳам иш бошлайди. Давлатимиз 117 миллион сўм пул ажратган.

...Дўстим, баҳорда бир кел, қурилишда иш айни қайнаган кезлар бўлади. Ўшанда ҳаммамизнинг асрий орзуларимиздан яна бири ушалаётганини ўз кўзинг билан кўрасан. Иншоот ишга тушса, янги-янги боғлар, манзилгоҳлар, сабзавот ва полиз майдонлари, ғаллазорлар барпо бўлади... Сен ҳамиша соғиниб юргувчи нон янада кўпаяди. Ўшанда, дўстим, Оллоҳ насиб этса, ҳаммамиз муқаддас билган тандир нонидан сенга ҳар ҳафта юбориб туришга ҳам тайёрман.

Хайр...

Дўстинг — “Урганжи” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бегмуҳаммад МАМАРАСУЛОВ”.

**Мактубни оққа кўчирувчи:**
**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

---

Хушхабар

## Ўзбек кураши Боливияга етди



**Халқаро кураш ассоциациясининг штаб квартирасига узоқ океан орти Америка қитъасидан хушхабар келди. Пан Америка Кураш конфедерацияси президенти Эдгар Клауренинг хабар беришича, шу йилнинг 11-12 ноябр кунлари Боливия пойтахти Ла Пас шаҳрида ўзбек кураши бўйича Пан Америка биринчи тарихий чемпионати бўлиб ўтади. Мусобақалар Боливиянинг кўзга кўринган «Колизеум Циулад де Ла Пас» номли спорт мажмуида ўтказилади. Чемпионатда 73,90 кг ва мутлоқ вазн тоифасидаги эркаклар иштирок этади. Боливия, Бразилия, Чили, Уругвай, АҚШ, Канада, Доминикан Республикаси, Аргентина ва Венесуэла каби мамлакатлар полвонлари чемпионлик унвони учун гиламга тушадилар. Жаноб Клауренинг фикрича, яқин икки йилда ўзбек кураши Жанубий ва Шимолий Америка давлатларининг барчасига қизиқарли спорт тури сифатида кириб боради.**

**Ўз мухбиримиз.**

# “Офарин-2001” йилнинг энг яхши ижодкори республика танлови ғолиблигига тавсия этилган номзодлар рўйхати

## I. “Адабиёт ва журналистика” йўналиши бўйича:

### “Йилнинг энг яхши ёзувчиси” номинацияси

1. **Бўтаев Шойим** — “Ҳаёт” қиссалар китоби учун
2. **Хуршид Дўстмуҳаммад** — “Бозор” романи, “Ҳижроним менингдир менинг” қисса ва ҳикоялар тўплами ҳамда “Озод изтироб қувончлари” публицистик мақолалар китоби учун
3. **Омон Мухтор** — “Майдон” романи учун

### “Йилнинг энг яхши шоири” номинацияси

1. **Матназар Абдулҳаким** — Миллий тафаккур ғоялари билан йўғрилган туркум шеърлари учун
2. **Мирзаева Зебо** — Истиқлолга бағишланган туркум шеърлари учун
3. **Рустам Мусурмон** — Халқона йўналишдаги туркум шеърлари учун

### “Йилнинг энг яхши болалар ижодкори” номинацияси

1. **Барноев Сафар** — “Менинг муаллимим” достони, ҳикоялар, шеърлар ва публицистик мақолалар туркуми учун
2. **Турдиева Кавсар** — “Рақамлар бўйлаб саёҳат”, “Катта шифо кучим бор” ва “Ҳосил байрами” шеърий туркумлари учун
3. **Усмон Кўчқор** — “Широқ” ривоят достони учун

### “Йилнинг энг яхши драматурги” номинацияси

1. **Ёқубов Одил** — “Бир кошона сирлари” пьесаси учун
2. **Хурсандов Холиқ** — “Ўлдинг-азиз бўлдинг” пьесаси учун
3. **Тоир Юнус** — “Қор одам” пьесаси учун

### “Йилнинг энг яхши журналисти” номинацияси

1. **Намозов Ортиқали** — Қишлоқ ҳаётига бағишланган туркум мақолалари учун
2. **Иброҳим Раҳим** — “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган туркум мақолалари учун
3. **Улуғова Муҳтарама** — “Соғлом авлод йили”га бағишланган туркум муаллифлик телекўрсатувлари учун
4. **Утаулиев Умурбой** — Орол минтақаси муаммоларига бағишланган туркум мақолалари учун

## II. “Кино ва телевидение санъати” йўналиши бўйича:

### “Йилнинг энг яхши кинорежиссёри” номинацияси

1. **Маҳмудов Шуҳрат** — “Қоғоз уйча” ҳужжатли фильми режиссураси учун
2. **Назармуҳамедов Собир** — “Чаёнгул” бадиий фильми режиссураси учун
3. **Файзиев Ҳабибулла** — “Алпомиш” бадиий фильми режиссураси учун

### “Йилнинг энг яхши телерадио режиссёри” номинацияси

1. **Аҳмадхўжаев Саидботир** — “Рустам Раҳимов интилган нур”, “Моштабиб”, “Ғани Аъзамов” видеофильмлари режиссураси учун
2. **Аҳмедов Баҳодир** — “Лафз” телевизион бадиий фильми режиссураси учун
3. **Ёқубов Баҳром** — “Миллат қайғусидан, халқ дардидан яралган...” видеофильми режиссураси учун
4. **Сўфихўжаев Муҳаммаджон** — “Мушк ила анбар таралганда”, Мангуликка йўғрилган ёғду” радиофильмларининг режиссураси учун

### “Йилнинг энг яхши кинооператори” номинацияси

1. **Ибрагимов Рифқат** — “Пари момо” бадиий фильмини суратга олишдаги операторлик иши учун
2. **Мирзааҳмедов Султон** — “Алпомиш” бадиий фильмини суратга олишдаги операторлик иши учун
3. **Ҳасанов Ҳамидулла** — “Чаёнгул” бадиий фильмини суратга олишдаги операторлик иши учун

### “Йилнинг энг яхши телеоператори” номинацияси

1. **Авазхўжаев Анвар** — “Ўзбекистон дурдоналари” туркум видеофильмларини суратга олишдаги операторлик иши учун
2. **Муталов Шуҳрат** — “Мен элимнинг юрагида яшайман” туркум видеофильмини суратга олишдаги операторлик иши учун
3. **Солиев Марат** — “Лафз” телевизион бадиий фильмини суратга олишдаги операторлик иши учун

### “Йилнинг энг яхши киноактёри” номинацияси

1. **Саъдиев Хайрулла** — “Алпомиш” бадиий фильмидаги Тойчахон роли ижроси учун
2. **Тўлахўжаев Нозим** — “Алпомиш” бадиий фильмидаги Ултонтоз роли ижроси учун
3. **Шокиржонов Аъзам** — “Лафз” телевизион бадиий фильмидаги Абутолиб роли ижроси учун

### “Йилнинг энг яхши киноактрисаси” номинацияси

1. **Мухторова Мадина** — Кино ва телевидениеда яратган аёллар образлари туркуми учун
2. **Раҳимжонова Илмира** — “Чаёнгул” бадиий фильмдаги Гулшод роли ижроси учун
3. **Элтоева Лола** — “Куёши ботмайдиган юрт” видеофильмидаги Малика роли ижроси учун

## III. “Театр, мусиқа ва тасвирий санъат” йўналиши бўйича:

### “Йилнинг энг яхши театр режиссёри” номинацияси

1. **Салимов Олимжон** — Й.Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган “Боз масхарабоз” спектакли режиссураси учун
2. **Бақоев Убайдулла** — Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилган “Ҳақ рост” /Имом Бухорий/ тарихий драмаси режиссураси учун
3. **Юсупов Шомурод** — Фарғона вилоят қўғирчоқ театрида саҳналаштирилган “Алпомиш” спектакли режиссураси учун

### “Йилнинг энг яхши театр актёри” номинацияси

1. **Абдулхаиров Муҳаммадисо** — Й.Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган “Боз масхарабоз” спектаклидаги Масхарабоз ролининг ижроси учун
2. **Амирқулов Ҳусан** — Қарши шаҳар “Эски мачит” театр-студиясида саҳналаштирилган “Қобил ва Ҳобил” / Байрон асари асосида/ спектаклидаги Шайтон роли ижроси учун
3. **Цветков Валерий** — Ўзбекистон Академик рус драма театрида саҳналаштирилган “Ҳар тўкисда бир айб” спектаклидаги Крутицкий роли ижроси учун

### “Йилнинг энг яхши театр актрисаси” номинацияси

1. **Бойхонова Зулайҳо** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида саҳналаштирилган “Қудуқ тубидаги фарёд” спектаклидаги Тошбуви роли ижроси учун
2. **Овчинникова Ольга** — Ўзбекистон Академик рус драма театрида саҳналаштирилган “Ҳар тўкисда бир айб” спектаклидаги Мамаева роли ижроси учун
3. **Қайипназарова Турсун** — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мусиқий театрида саҳналаштирилган “Ота тақдири” спектаклидаги Улжон роли ижроси учун

### «Йилнинг энг яхши хонандаси» номинацияси

1. **Абдуқодиров Халилжон** — Опера партиялари ва концерт ижрочилик фаолияти учун
2. **Йўлчиева Муножот** — Мумтоз қўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этганлиги ва санъатимизнинг хориждаги тарғиботи учун
3. **Эрматов Машраб** — Мумтоз халқ қўшиқлари ижроси учун

### “Йилнинг энг яхши бастакори” номинацияси

1. **Мансуров Аваз** — Янги қўшиқлар ва куйлар туркуми учун
2. **Норхўжаев Надим** — Янги қўшиқлар ва куйлар туркуми учун
3. **Олимов Фарҳод** — 2000 йилда спектаклларга басталаган куйлари ва янги қўшиқлар туркуми учун
4. **Эргашев Анвар** — Янги қўшиқлар ва куйлар туркуми учун

### “Йилнинг энг яхши созандаси” номинацияси

1. **Расулов Ўлмас** — Юксак ижрочилик маҳорати учун
2. **Шарипова Адиба** — Юксак ижрочилик маҳорати учун
3. **Ҳожиқулов Ғуломжон** — Юксак ижрочилик маҳорати учун

### “Йилнинг энг яхши рассоми” номинацияси

1. **Акромов Рихситилла** — Инсоний муносабатлар чуқур фалсафий таҳлил этилган рангтасвир асарлари учун
2. **Усмонов Жамол** — “Руҳ ва хаёл” кўргазмасида намойиш этилган асарлари учун
3. **Қодиров Ғофир** — Чуқур фалсафий рангтасвир асарлар туркуми учун
4. **Ҳакимов Шавкат** — Миллий қадриятлар замонавий санъат йўналишлари руҳида талқин этилинган туркум асарлари учун

### “Йилнинг энг яхши амалий санъат устаси” номинацияси

1. **Нарзуллаев Алишер** — Ғиждувон кулолчилик мактаби анъаналарини тиклагани учун
2. **Султонова Гулзор** — Бронзадан ясалган ҳайкалтарошлик асарлари туркуми учун
3. **Тикаев Гаджи** — Миллий заргарлик услубида аёллар гарнитури туркум асарлари учун

### “Йилнинг энг яхши дизайнери” номинацияси

1. **Ашурбоев Абдукарим** — Миллий либослар туркум ишлари учун
2. **Бошшев Рашид** — Наврўз ва Мустақиллик байрамлари тантаналарини ўтказишдаги ижодий ишлари учун
3. **Гостев Эдуард** — Миллий нақшлар элементлари билан яратилган туркум заргарлик ишлари учун
4. **Комилова Холида** — Ўзбекистон миллий либоси дизайнини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва аёллар учун миллий матолардан яратилган либослар тўплами учун

### “Санъатга бахшида умр” номинацияси

**Мазкур номинация бўйича мукофот “Офарин” танлови ҳайъатининг махсус қарорига асосан берилади.**

***2001 йил 14 март, соат 19.00да “Халқлар дўстлиги” саройида “Офарин-2001” йилнинг энг яхши ижодкори республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган адабий-бадиий-мусиқали кеча ўтказилади.***

**Ижодкорлар байрамига марҳабо, азиз юртдошлар!**

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**

# Бактериялар ёрдам бермоқда

Республика Фанлар академияси Микробиология институтининг экспериментал-тажриба участкасида “azotobakter chrooccum” бактериал ўғитнинг дастлабки юз килограмми ишлаб чиқарилди.

Ўлкамизга баҳор келмоқда. Яқин кунларда шаҳар ва қишлоқ бозорлари мева-сабзавотлар билан тўлади. Баъзида бозордаги эртапишар меваларни кўриб, деҳқон ўғитга зўр бермадимикин, деган савол туғилади.

Ушбу муаммони ҳал этишга ёрдам берадиган бактериал ўғитни яратиш устида институт микробиологлари ўн йил изланиш олиб борди. Мазкур препаратнинг ноёблиги шундаки, унинг асосини ердан олинган бактериялар ташкил этади. Пробиркаларда эса улар жуда тез кўпаяди. Эритманинг бир миллилитрида бир миллиард бактерия бор. Масалан, бир тонна буғдойга ёки беш гектар ҳайдалган ерга ишлов бериш учун сувга аралаштирилган ўн литр ўғит керак бўлади. Микроблар ерга тушгач, ўзига атмосферадан азотни сўриб олиб, кўпайишни давом эттиради. Бу препарат экология жиҳатидан тоза бўлиб, ўсимликлар томирини озиқлантиради ва ҳосилдорликни оширади.

Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи деҳқон М.Қулбеков ушбу препаратдан фойдаланиб кўрди ва натижасидан мамнун бўлди. Масалан, у пахтани илгаригига нисбатан гектаридан 12 центнер кўп олмоқда. Бактериал ўғит синаб кўрилган Андижон, Наманган ва бошқа вилоятлар хўжаликларида пахта, ғалла, бошқа экинлар ҳосилдорлиги янада ошган.

Янги ўғитни ишлаб чиқаришга жорий қилиш иқтисодиётимизга ҳам фойда келтиради. Масалан, селитрадан фойдаланишни икки баравар камайтириш мумкин. Шунингдек, бу препарат экспортбоп товар ҳам ҳисобланади.

**В.ДРАЧЁВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ МАВСУМ ОЛДИДАН





*Баҳорги мавсумга ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Бу кунларнинг эса ҳар бир дақиқаси ғанимат. Уюшқоқлик, пухта тараддуд мавсум учун ўнғайлик туғдиради. Деҳқон меҳнатини ундиради. Ана шундай қизғин меҳнат аввалида Жарқўрғон туманидаги машина-трактор парки ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам баҳорги ишларга улуш қўшиш илинжида тинмай ишламоқда.*

*Бу машина-трактор паркида 13 та цех мавжуд бўлиб, уларда таъмирлаш ҳамда деталларни ишлаб чиқариш жараёнлари бажарилади. Айни пайтда бу ерда 260 нафар ишчи якдиллик билан меҳнат қилмоқда.*

*Ҳозир бу ерда таъмирлаш ишлари қизғин давом этаётир. 131 та пахта экиш сеялкаси, 172 та культиватор, ғалла ўрими учун 12 та «Кейс», 19 та «Нива» ва «Енисей» комбайнлари таъмири ҳадемай тугалланади.*

**СУРАТЛАРДА: пайвандчи Тошқул Тўраев; таъмирдан чиққан техникалар.**

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Мактабга яқинлашайлик, азизлар!

## ёхуд «қош қўяман деб, кўз чиқарма»нг

Тагсарлавҳадаги ибора боболардан қолганлигини яхши биласиз. Мақоламиз ушбу фикрга амал қилмаслик оқибати ҳақидадир.

Ўзининг ўн йиллигини нишонлаш арафасидаги Ўзбекистонимизда таълим соҳасида ҳам жаҳоншумул ўзгаришлар бўлди.

Олий Мажлиснинг 1997 йил августда бўлиб ўтган IX сессиясида «Таълим тўғрисида» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинган эди. 1997-98 ўқув йилидан эътиборан таълимни шу икки Қонун асосида қайта ташкил этиш, ривожлантириш масалалари муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар, сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш бўйича катта натижаларга эришилди. Оддий қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда қурилган юзлаб замонавий академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ҳеч бўлмаганда бирига ташриф буюриб, ўқувчиларнинг фикрлаши, дунёқараши, илми, маданиятини кўрган ҳар қандай одам ҳам бу ислоҳотлар моҳиятини англаши тайин. Бу ишларни кўпчилик кўряпти, ҳатто юксак тараққий эттан давлатларнинг нуфузли ташкилот ва ўқув юртларининг мутахассислари ҳам юқори баҳоламоқда.

Эндиги вазифалардан бири ана шу натижаларни таҳлил қилиб бориш, умумий хулосаларни аниқ мақсад — ислоҳотлар мазмунига, моҳиятига йўналтиришдан иборат. Бу борада оммавий ахборот воситалари ислоҳотларнинг бевосита иштирокчилари, бошқарувчилари ва кузатувчиларига ҳам фикр алмашиш майдони бўла олади. Шу маънода «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 6 февраль сонида чоп этилган «Янги авлод «Хамса»ни қачон ўқийди» сарлавҳали мақоласи, «Ҳуррият» ва бошқа газеталардаги шу масалага оид чиқишлар бир мутахассис сифатида мени ҳам муаммо сифатида кўтарилган масалаларга ойдинлик киритишга ундади. Бетга айтганнинг заҳри йўқ, деганларидек «Янги авлод «Хамса»ни қачон ўқийди» мақоласини ўқиб гарчи оғир бўлса-да, қоласини ўқиб гарчи оғир бўлса-да, отахон газетамизда ишлаётган таълим, фан бўйича қалам тебратаётган айрим журналистларга қараб «қош қўяман деб кўз чиқарибсизларку», дегим келди.

Газета бу адолат, ҳақиқат минбари. Газета номининг ўзи бу минбардан туриб гапирмоқчи бўлган одамга катта масъулият юклайди. Ана шундай минбардан ҳам гоҳо айримлар билиб атайин, бошқалар эса ҳаётий ҳақиқатни билмасдан гапирмоқда. Масалан, мазкур мақолада ҳам бир дўстимиз янги ўзбек алифбосига ўтиш тизимини билмаслик оқибатида қўпол хатога йўл қўйган бўлса, иккинчиси эса шу баҳонада «бир нарсалик» (ном қозониш ёки бозорни эгаллаш) бўлиб қолишни мақсад қилганга ўхшайди.

Аввало, сарлавҳанинг маъносига эътибор беринг. «Янги авлод «Хамса»ни қачон ўқийди?» Бунга жавоб аниқ. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва миллий дастуримизга асосланган ва Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан тасдиқланган давлат таълим стандартлари ва уларга асосланиб ишлаб чиқилган ўқув дастурларида белгиланганидек, Навоий асарлари бўйича дарслар мактабнинг 5-синфидан бошланиб, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бўғинида ҳам давом этади. Шу жумладан, янги авлод «Хамса»ни 9-синфдан бошлаб ўқийди. Демак, сарлавҳага жавобни ўқув дастурларини ўқиганда топиш мумкин эди. Мана шу оддий ҳақиқатни аввал қайси китобни ўқитиш, уни қандай ўргатиш, фарзандларимиз нечанчи синфда қайси мавзуни қандай даражада билиши давлат таълим стандартларида белгилаб қўйилган. Шу асосда дастур ва дарсликлар яратилмоқда. Энди бу оддий ҳақиқатни болалар ва ўсмирлар учун китоб ва дарсликлар чоп этадиган нашриёт раҳбарининг билмаслиги кишини ажаблантиради.

«Ахир, ҳамма китобларимиз кирилл алифбосида-ку!» Ёш журналистнинг бу тахлит кўтарган «долзарб муаммо»си бозор муносабати билан тўрт-беш сўм кўпроқ ва енгилроқ топишни ўйлаган нашриёт директори учун маблағ имконияти, шу пайтгача ҳеч ким қизиқиб ўқимаган «роман»ларни янги авлод ҳам ўқимаслигини ўйлаб ташвишга тушган айрим ёзувчиларимизга эса ўз «хавотир»ларини айтиш имкониятини яратиб беради.

Аслида хавотирга ўрин йўқ. «Чўлпон» нашриёти директори Омон Матжон айтмоқчи, «30-40-йилларда алифбо ҳарфлари алмашгандаги авлодларнинг иккига бўлиниб қолиш фожеаси» такрорланмайди. Бунинг олди олинган. Бу чора-тадбирлардан хабардор бўлиш учун мактабга бориш кифоя эди...

Нашриёт директорининг кейинги гаплари соф «бозорбоп» гаплар. Яъни у киши вазирликдан рўйхат сўраганлар, вазирлик берган рўйхат (расмий хат)га кўра китоб чиқарадилар. Кейин уни вазирлик сотиб олишга маҳкум этилади. Агар бу муддао бўлмаганида, нашриёт директори мактабга бориб, янги дастурни кўриб, унга асосан китоб чиқаришни ўзи режалаштирган бўларди.

Энди журналистнинг «Кирилл алифбосидан бехабар бўлиб, вояга етган янги авлод ўз маърифатини оширишда қандай қийинчиликларга дуч келишини бир кўз олдимизга келтирайлик», деган «ташвиши»га келсак, бу билимсизларча чиқарилган хулосадир. Негаки мактабларда кирилл алифбоси бошланғич синфлардан ўргатиб борилади. Шундай экан, таҳририятнинг «биргалашиб қўйилган масаланинг ечимини излайлик» дея ҳеч бир ўйламай пуч бир таклиф билан жамоатчиликнинг фикрини чалғитишини қандай тушуниш мумкин? Устозларимиз: — маълум соҳа бўйича нафақат фикр юритиш, балки тўғри савол бера олиш учун ҳам журналист шу соҳадан хабардор бўлиши керак, — дер эдилар. Шу маънода ҳукумат доирасида кўриб чиқилиб, махсус қарорлар билан босқичма-босқич амалга оширилаётган катта бир жараённи мазмун-моҳиятига етмай «муаммо излаш» ҳар қандай маърифатли кишини ажаблантиради.

Мақолада келтирилган «ўсиб келаётган янги авлоднинг кирилл алифбосини билмаслиги боис саводсиз бўлиб қолиши» хавотири пучлиги шундаки, умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосида тузилган ўқув дастурига кўра, мактабларнинг 2-синфида 68 соат рус тили дарслари ўтилади. Ва табиийки, бу даврда кирилл алифбоси тўлиқ ўзлаштирилади. Зеро, Давлат таълим стандартларининг (ДТС) биринчи принципи ҳам унинг давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжларига мослигидир.

Афсусланарлиси шундаки, «кирилл, лотин алифболари муаммоси» икки йил аввал ёзувчи-шоирлар иштирокидаги йиғинларда кўп айтилганлиги боис, Ўзбекистон телевидениеси «Миллий дастур амалда», «Ахборот» кўрсатувларида, шунингдек «Маърифат» газетаси бу баҳсларнинг нотўғрилиги хусусида чиқишлар уюштирган эди. Жойларга чиқиб болаларимиздан икки алифбода ҳам диктантлар ёздириб, китобларни ўқитиб, бу жараённи телевидение намойиш эттан, газета эса саҳифаларида аниқ хулосаларни берган эди. Аксарият ўқувчилар талаб даражасида ўқишган эди. Бугун бу сохта муаммо яна телевидение, радио ва газеталарда кўтарилмоқда. Айрим идораларнинг катта-катта раҳбарлари йиғинларда гапиришмоқда. Буни қандай тушунмоқ керак, жамоатчилик фикрини шакллантиришми ёки чалғитишми?

Бундай пайтларда биз, журналистлар муаммони ҳар томонлама чуқур ўрганган ҳолда аниқламоғимиз ва таҳлилга тортмоғимиз зарур бўлади. Акс ҳолда ўзимиз бехабар ҳолда кимнингдир пухта ўйлаб амалга оширмоқчи бўлган режасининг ижрочисига айланиб қолишимиз мумкин. Бунинг учун эса бугунги ўзбек журналистига хос бўлган камчилик - ихтисослашмаганлик ўз таъсирини ўтказган. Акс ҳолда мақолада «бошланғич синфларда ўқувчиларга кирилл алифбосидан ҳам сабоқ бериш» масаласи муаммо сифатида кўтарилмаган бўларди. Маънавий-маърифий, тарбиявий соҳа ва таълим жараёнлари ҳақида ёзадиган журналист мавзуга доир қонунлар, ҳукумат қарорлари, Президент Фармонлари, энг муҳими давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини мукаммал билиши лозим.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг Давлат таълим стандартларига доир 7-моддасида «Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди. ДТСни бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир» дейилади. Агар янги алифбода таълим олаётган ўқувчилар кирилл ёзувидаги алифбони билмасалар, юқорида қонунда кўрсатилган мажбурий вазифа бажарилмай қоларди. Биз рейтинг кўрсаткичлари турли савияда бўлган бир неча мактабларда бўлиб, 1-7-синф ўқувчилари билимига қўйилган ДТС талабларининг бажарилиши билан қизиқдик. Бир журналист сифатида янги ўзбек алифбосининг жорий этилишидан қониқдим. Агар барча таълим муассасаларида ДТС талаблари бажарилса, янги авлод кирилл ёзувидаги алифбони билмай қолмайди. 7-синфгача янги ўзбек алифбосида таълим олаётган ўқувчи 1 дақиқада ўртача 130 та сўз ўқиди. Кирилл ёзувида берилган матнда 115 та атрофида сўз ўқий олди. Фарқ оз бўлса-да, кузатилади. Лекин бу бутун ёзувни билмаслик ёки ундан бебаҳра қолиш эмас-ку. Мактабларга ташрифимиз шуни кўрсатдики, фарзандларимиз кирилл алифбосидаги китобларни жумладан, «Хамса», «Бобурнома», А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини, марказий газеталарни ҳам бемалол ўқишди. Ҳатто «Халқ сўзи» газетасидаги «Янги авлод «Хамса»ни қачон ўқийди» мақоласини ҳам ҳеч бир қийинчиликсиз ўқиб, муҳокама қилишди ва «бизни қандай ўқиётганимиз»ни билмоқчи бўлсалар, марҳамат, мактабга келсинлар», дейишди.

Албатта, янги алифбода китобларни нашр этиш босқичма-босқич амалга ошмоқда. Биз тадрижий йўлдан бормоқдамиз. Барча адабиётни қисқа вақт ичида лотин ёзувига асосланган янги алифбога ўгириш мушкул иш эмас. Бу ишни амалга оширадиган махсус компьютер дастурлари бор. Ҳозир янги алифбода китоблар нашр этиш ишлари фарзандлариимизнинг ёшига, қайси китобни нечанчи синф дастурида ўрганишига қараб олиб борилади. Бундан давлат режа ва дастурларини яхши биладиган нашриёт раҳбарлари тўла хабардор.

Янги ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтилаётгани амалда янги авлоднинг кирилл ёзувида саводсиз бўлиб қолишига йўл қўймайди. Аксинча, мавжуд адабиётларни, асарларни саралаб беради. Негаки, ҳозир янги алифбода таълим олаётган ўқувчилар, мактаб кутубхонасидан, китоб дўконларидан кирилл алифбосида нашр этилган китобларни бемалол олиб ўқишмоқда.

Бугунги ўзбек боласи осмонда учиб ўтаётган самолётга «хат ташлаб кет» деб қичқирадиган авлод эмас, ҳар ҳолда. У ўша самолётнинг маркаси, тезлиги каби имкониятлари билан қизиқади. У катта авлод каби оламни ўта кенг, тоғларни жудаям юксак, океанларни чексиз тасаввур қилмайди. Чунки океан ортида ўқиб ёки ишлаб келиш, тоққа сайрга чиқиш, Японияга ҳафтада икки марта бизнес ишлари билан бориб келиш мумкинлигини билади. Холис айтиш керак, аксарият раҳбарлару ижодкорлар, ота-оналарнинг ўзлари таълимдаги ислоҳотлар жараёнидан «янги авлод»га нисбатан орқада қолмоқдалар. Янги авлод XXI аср фан ва техника имкониятларини кўзи билан кўриб турибди. Ҳис этиб яшаяпти. Улар учун бирор бир алифбони ўрганиш муаммо бўлолмайди. Эндиликда ёшларимиз нафақат бадиий китобларни, қолаверса илмий адабиётларни алифбо ёки тилидан қатъи назар, оригинал вариантда ўқишга интилмоқда. Янги авлод ўз интилишлари билан ҳатто хитой, япон тилларию ёзувларини ҳам ўзлаштиряпти. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, барча шароитлар яратиб берилган. Хусусан, фарзандларимизнинг лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси билан бирга кирилл алифбосини ҳам билишларига қаратилган. Давлат таълим стантдартлари талаблари ана шу эзгу мақсаднинг бир ифодасидир.

Юқорида журналистнинг таълимга ихтисослашмаганлиги ҳақида гапирдик. Шу ўринда бир истак, Президентимиз бошчилигида ишлаб чиқилган ва жорий этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмун-моҳияти бир уммон мисолидир. Уни биз журналистлар профессионал даражада ўзлаштирмоғимиз лозим. Шу боис мутасадди ташкилотлар ҳомийлигида таълим мазмуни, шу билан бирга Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси бўйича таълим мавзусида ёзаётган журналистлар учун махсус ўқувлар ташкил этсалар, айни муддао бўлур эди.

Умид қиламанки, «Янги авлод «Хамса»ни қачон ўқийди» мақоласида кўтарилган «муаммо»нинг пучлиги таҳририятта аён бўлди. Шундай экан, бу борадаги ўринсиз баҳс-мунозарага чек қўйилиши лозим.

**Фахриддин КАРИМОВ,**
**журналист.**

# Нақд пулсиз ҳисоб-китоб

Бугунги кунда мамлакатимизда республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Асака” ва саноат-қурилиш банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар нафақат корхона ва ташкилотларда, балки жисмоний шахслар ўртасида ҳам кенг оммалашиб бормоқда. Сабаби —пластик карточкалар нақд пулсиз ҳисоб китоб қилишнинг энг замонавий усули бўлиб, ундан савдо тармоқлари, авиакассалар, ресторанлар, клублар ҳамда автоёнилғи шохобчаларида бемалол фойдаланиш мумкин. Муҳими, пластик карточкага жойланган пулнинг миқдорига қараб, унга доимий равишда фоиз қўшилиб борилаверади. Шунинг учун ҳисоб-китобнинг бундай усулини республикамизда янада ривожлантириш ниҳоятда муҳимдир.

Кеча Ўзбекистон Банклар уюшмасида бўлиб ўтган семинар ана шу масалага бағишланди. Уни “Пластик-карт” банклараро инновацион компаниясининг бош директори Н. Гайнулин бошқарди.

Анжуманда Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва республикамиздаги тижорат банклари вакиллари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққан мутахассислар пластик карточканинг оммалашиш тарихи, банк ва нобанк пластик карточкалари ва ундан фойдаланиш усуллари хусусида батафсил маълумот бердилар, йиғилганларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## “Мустақиллик кубоги”:

# Бешинчи турнир тараддуди



***Спорт элни танитади, спортчи Ватан байроғи остида бутун бошли мамлакат номидан майдонга чиқади, миллат ғурури учун баҳс бойлайди. Эркин ва юнон-рум курашчиларимиз ҳам ана шуни юракдан ҳис қилган ҳолда гиламга чиқишади. Энг муҳими, мусобақа дунёнинг қайси давлатида бўлмасин, асло бўш келмайдилар. Ва юртга ёруғ юз билан қайтадилар.***

Эркин курашчимиз Артур Таймазов 2000 йилнинг ўзида ҳам қитъа чемпиони, ҳам Олимпиада ўйинларининг кумуш медалини қўлга киритган бўлса, жаҳон кубоги ғолиби Рамил Исломов муваффақият қозонган беллашувлар рўйхатининг ўзи анча узоққа чўзилади. Ёки ҳали энди 18 ёшга тўлган эркин курашчимиз Дилшод Мансуровнинг жаҳон ва Осиё чемпиони унвонларини қўлга киритиши спорт оламида шов-шувга сабаб бўлганини айтинг.

Албатта, вакилларимизнинг бундай зафар қучишларида мамлакатимизда ўтказилган кўплаб халқаро турнирларнинг аҳамияти катта бўлди. Курашчилар, даставвал, айнан мана шу беллашувларда маҳорат оширдилар, тажриба тўпладилар. Бунда, айниқса, шу йил 2 мартда старт оладиган “Мустақиллик кубоги” халқаро турнирининг ўрни бўлакча. Ушбу анъанавий турнир эндиликда “Гран-при” туркумидаги энг оммавий беллашувлардан саналади.

— Ютуқларимиз ҳақида мароқ билан гапириш яхши. Лекин унга эришиш осонми? Тинимсиз изланиш, Юртбошимизнинг спортни ривожлантириш борасидаги куюнишлари, ташаббуслари боис эмасми, — дейди “Мустақиллик кубоги” бешинчи халқаро турнирини ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоси, республика Эркин кураш федерацияси президенти С. Абдувалиев. — Энг йирик нуфузли мусобақаларнинг мамлакатимизда ўтказилаётгани юртимизда спортга катта эътибор билан қаралаётгани, осойишталик, барқарорлик нашидаси-ку, ахир.

Бу йилги турнир ҳақида тўхталадиган бўлсам, унда 30 га яқин давлатлардан кучли полвонлар келиши кутилмоқда. Мусобақалар бўлиб ўтадиган “Юнусобод” спорт мажмуида охирги безаш ишлари олиб борилаяпти. Спортчилар, ҳакамлар ҳамда турнир меҳмонлари учун пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” ва “Тошкент” меҳмонхоналарида жойлар ҳозирланган. Турнир бу гал яна бир йирик тадбир — шу йилнинг август ойида Тошкентда ўтказиладиган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатининг тайёргарлик босқичини ўтайди. Шунинг учун ҳам гиламга номдор курашчиларимиз билан бирга янгидан кириб келаётган ёшлар ҳам чиқади.

Хўш, бу мусобақа халқаро экспертлар томонидан қандай баҳоланмоқда. Мазкур саволга жавоб топиш учун олдинги турнирда Халқаро ҳаваскорлар кураши ассоциацияси(FILA) вице-президенти Раффи Мартинетти билан суҳбатлашгандик. Мана, у киши нима деб жавоб берганди:

— Биласизми, хизмат вазифамга кўра кўп давлатларда бўламан. Баъзи жойларда асабийлашишга тўғри келади. Бунинг биринчи сабаби эса ташкилий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслигидир. Бугун кайфиятим зўрми, демак ҳаммаси жойида. Мусобақанинг ташкилий томонлари ҳам, иштирок қилаётган спортчи ва ҳакамларнинг ҳам савияси жуда баланд. Ҳатто маҳаллий мухлисларнинг шунга яраша қўллаб-қувватлашлари мени, айниқса, қувонтирди.

— Ҳар қандай мусобақанинг тантанали очилишида мезбон давлатнинг мадҳияси чалиниб, байроғи кўтарилади, — дегани эсимда яна бир суҳбатдошим, халқаро тоифадаги ҳакам Чанг Хстен Чуан (Хитой тайпейи)нинг. — Сизлар эса шунга ҳам ўзига хослик билан ёндошиб, барчани ҳайратга солдинглар. Каттакон залнинг тепасига шунчалик улкан байроқнинг тортилиши, “Ўзбекистон бу, Ўзбекистон!” деб тургандай бўлди менга. Мафтункор миллий санъатингиз — раққосаларингиз ром қилди мени.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи, хусусан, спорт соҳасидаги ютуқлари билан боғлиқ бундай эътирофларни кўплаб келтириш мумкин. Гап мақтовларга берилмай, янада юксак марраларни кўзлаб интилаверишда. Анъанавий турнирдан кейин жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш ҳам ана шундай интилишнинг самарасидир.

Спорт юлдузлари иштирокида ўтказиладиган бундай катта мусобақанинг яна бир муҳим томони борки, уни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Беллашувларни мириқиб томоша қилган минглаб ёшлар кураш билан янада яқин дўст тутиниши тайин. Спортнинг, хусусан яккакураш турларининг ёшлар тарбиясида аҳамияти катта экани эса ҳаммамизга яхши маълум. Демак, 2-4 март кунлари Тошкентга, навбатдаги спорт байрамига марҳамат қилинг!

**Озод РАЖАБОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**



# Польша вазирининг ҳайрати

*Аввал хабар қилганимиздек, мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Польша жисмоний тарбия ва спорт вазири Мичислав Новицки республикамизда соҳанинг ривожи, яратилган шароитлар билан танишди, спорт федерациялари раҳбарлари билан учрашди. Жумладан, куни кеча Польша вазири Таэквандо(ITF) федерациясида бўлди.*

*Федерация президенти Пўлат Усмонов меҳмонларга Ўзбекистонда оммавий спорт турларидан бири бўлган таэквандо билан бир неча ўн минглаб ёшлар шуғулланаётганини айтганда, М.Новицки ҳайратини яшира олмади.*

*— О-о, бу жуда катта кўрсаткич. Халқаро турнир ва чемпионатлардан йигитларингизнинг медалсиз қайтмаётганининг боиси шундан экан-да, — деди у.*

*Нафақат йигитлар, балки қизларимиз ҳам қитъа ва жаҳон чемпионатининг совриндорлари эканлигини билгач, М.Новицкининг ҳайрати янада ошди. Шунинг учун ҳам Польша ва Ўзбекистон Таэквандо федерацияларининг ҳамкорлигини кучайтириш нияти борлигини айтди.*

**СУРАТЛАРДА:** учрашувдан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**


*Ҳурматли Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ва меҳмонлари!*

## «ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ОТАЖнинг

### маълумотларни узатиш хизматлари ПРЕЙСКУРАНТИ

| Т/Р | ХИЗМАТЛАР НОМИ | ТЎЛОВ МИҚДОРИ (СЎМ) |
|---|---|---|
| 1.1 | **Internet Dial-Up ON-LINE Хизматлари** | |
| 1.1.1 | Internet (Dial-Up)га сеансли киришни ташкил қилиш учун рўйхатга олиш тўлови | 0.00 |
| 1.1.2 | Internet тармоғида ишлаш (тизимда 1 соат ишлаш учун) | 959 |
| 1.1.3 | Битта почта қутисини қўллаш | бепул |
| 1.2 | **SNMP/POP3 протоколи бўйича (E-mail) электрон почта хизматлари** | |
| 1.2.1 | Почта қутисини қайд этиш | бепул |
| 1.2.2 | Қўшимча почта қутисини қайд этиш | бепул |
| 1.2.3 | Битта почта қутисини қўллаш тўлови (1 соат ишлаш учун) | 580 |
| 1.3 | **Доимий IP-боғланиш** | |
| | **Рўйхатдан ўтказиш ва улаш** | |
| 1.3.1 | 33,6 Кб/сек.гача бўлган тезликда | бепул |
| 1.3.2 | 64 Кб/сек.гача бўлган тезликда | бепул |
| 1.3.3 | 128 Кб/сек.гача бўлган тезликда | бепул |
| | **Бир ойлик абонент тўлови** | |
| 1.3.4 | 33,6 Кб/сек.гача бўлган тезликда (шу жумладан 0,5 Гб ойлик трафики) | 181714 |
| 1.3.5 | 64 Кб/сек.гача бўлган тезликда (шу жумладан 1 Гб ойлик трафики) | 244 280,5 |
| 1.3.6 | 128 Кб/сек.гача бўлган тезликда (шу жумладан 2 Гб ойлик трафики) | 377 638,4 |
| | **Интернет трафикининг лимитдан ташқари 1 Мб учун:** | |
| | ойига 3,072 Гбгача | 439,5 |
| | ойига 3,072 дан 7,168 Гбгача | 414,2 |
| | ойига 7,168 дан 15,360 Гбгача | 385,7 |
| | ойига 15,360 дан 31,744 Гбгача | 354,1 |
| | ойига 31,744 дан 64,512 Гбгача | 328,8 |

***Изоҳ:***
***1. Тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўмда амалга оширилади.***
***2. Умумий катталик ҳисобига чиқиш трафики ҳамда почта киритилади.***
***3. Хизматларнинг нархи қўшимча қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда берилган.***
***4. Нархлар шартнома тузилган кундан эътиборан ҳақиқийдир.***

**БИЗНИНГ КООРДИНАТЛАР**

**Электрон почта: info@tshtt.uz, World Wide Web: http:// w w w. tshtt.uz**
**Тел.: (99871) 40-41-67, 40-16-60, Факс: (99871) 40-00-81**
**Манзил: Тошкент ш., Себзор мавзеси, АТС-40, АҲМ**

3822


## ҲИКМАТ

*Ақлга илм бирла бергил қўмак,*
*Ақл - бу илмга харидор демак.*


**САҲНА АСАРИ ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!**

**ҲАМЗА НОМИДАГИ**

## ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан энг яхши замонавий мавзудаги драматик асарларга танлов эълон қилади.

**ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА:**

1-та биринчи мукофот 200000 сўм 1-та иккинчи мукофот 100000 сўм

1-та учинчи мукофот 50000 сўм

***/мукофотларда кўрсатилган сўмлар солиқлардан ташқари муаллифга тегадиган нақд қисмидир/***

### ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Ҳозирги мустақил замонамизнинг мазмун - моҳияти танловга тақдим этиладиган асарларда ўзининг ютуқ ва муаммолари билан қаҳрамонлар фаолиятида драматик зиддиятлар билан тўлиқ акс этиши керак. Яъни мустақиллик даври қаҳрамони яратувчан, изланувчан, миллий ва умуминсоний дунёқарашлари билан комил инсон бўлиб, ҳар қандай салбий ҳолатларга, диний, экстремистик, террористик кўринишларга муросасиз курашган шахс бўлиб гавдаланиши асар воқеаларида акс этиши мумкин.

Саҳна асарлари 2 нусҳада машинкада, 2 интервалда кўчирилган, 45 бетдан кам бўлмаслиги керак.

***Асарлар 2001 йил 1 майгача қабул қилинади. Муаллиф ўз асарини театрга келтириб бериши ёки почта орқали юбориши мумкин.***

***ҒОЛИБЛАР МАТБУОТДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.***

**МАНЗИЛ: 700011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 34-уй, таъмирланаётган Ҳамза театри биносининг ён тарафидаги маъмурий қисми. Тел.: 144-35-42, 144-33-75.**

3803


**Китоб тумани автомобил хўжалигига қарашли МАЗ-504 «В» русумли давлат рақами 47-86 КФН автомашинасига 1999 йил 27 июнда Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги томонидан берилган АТ серияли № 0188803 лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

## Жумбоқ

Суратдаги биринчи соат ҳар 24 соатда 1 минут орқада қолади. Иккинчиси эса ҳар бир соатда. Учинчи соат умуман ишламайди. Айтинг-чи, қайси соат аниқ вақтни кўрсатади.



**Кечаги жумбоқнинг жавоби:**

*1. Қўл - қўлқоп*
*2. Бош - шляпа*
*3. Мушук - от*
*4. Мих - тақа*
*5. Тароқ — тиш (тароқда тиш бўлади-ку)*




Реклама ва эълонлар 136-09-25






## Буйруқ билан ишлайди

ГФРда яшовчи Ганс Кемпф ўз эгасининг буйруғи билан (оғзаки) ишловчи автомобил яратди. Буйруқ берилиши билан машина эшиги очилади ва ёпилади, буйруқ билан статер ишга тушади, чироқлар ҳам ёнади, ҳатто машина ўриндиқлари ўз ҳолатини ўзгартириши мумкин. Фақат машина ҳаракатини бошқаришдагина соҳиб қўл ва оёқларини ишга солади, яъни ҳайдайди.



## Бола бошидан

80 та тилни билувчи Буюк британиялик журналист Гарольд Уильямс ўзига хос рекордчидир. У 11 ёшидаёқ грек, лотин, иврит, француз ва немис тилларини сувдай «ичиб» юборганди.


*Биринчи даражали*

# МЕБЕЛЬ «MAKSIMA» САЛОНИ

***Бевосита Италия туркум мебеллар тўплами.***

*Каталоглар асосида буюртмалар қабул қилинади.*

*Элтиб бериш ва йиғиш — бепул.*

*Манзилимиз: Фурқат кўчаси, 5. «MAKSIMA» мебел салони.*

*Тел. (371) 144-27-15.*




«SITASH»нинг информацион ёрдами. Тел. 120-09-09 3820



## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ КОММУНАЛ ФОЙДАЛАНИШ БИРЛАШМАСИ

ВИЛОЯТДА 2001 ЙИЛДА ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Мулкчиликнинг турли шаклидаги пудрат ташкилотлари қуйидаги объектларни қуриш бўйича танлов савдосида қатнашишга таклиф қилади:**

**I. Сирдарё вилояти қишлоқларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш:**

1. ***Меҳнатобод тумани:***
   *Баҳористон қишлоғи ташқи сув ўтказиш қувурлари қурилиши — 7.963 км*
2. ***Ш.Рашидов тумани:***
   *Кўтарма қишлоғида ташқи сув ўтказиш қувурлари қурилиши — 0.796 км*
   *Учтом қишлоғида ташқи сув ўтказиш қувурлари қурилиши — 2.066 км*
3. ***Ховос тумани:***
   *Найман қишлоғида ташқи сув ўтказиш қувурлари қурилиши — 6.128 км*
   *Пастки қайирма қишлоғида ташқи сув ўтказиш қувурлари қурилиши — 3.629 км*
   *Боймурод қишлоғида ташқи сув ўтказиш қувурлари қурилиши — 1.265 км*
   *Пашши қишлоғида ташқи сув ўтказиш қувурлари қурилиши — 0.540 км*
   *Томирли қишлоғида ташқи сув ўтказиш қувурлари қурилиши — 2.550 км*
4. ***Боёвут тумани:***
   *Санзор қишлоғида ташқи сув ўтказиш қувурлари қурилиши — 0.443 км*

**II. Сирдарё вилоят қишлоқларини газлаштириш:**

1. ***Сирдарё тумани:***
   *Қозоқовул қишлоғида ўрта босимли газ ўтказиш қувурлари қурилиши — 2,0 км*
2. ***Гулистон тумани:***
   *Исломобод ш/х юқори босимли газ ўтказиш қувурлари қурилиши — 8.860 км*
3. ***Боёвут тумани:***
   *«1-Боёвут» ш/х Табор қишлоғида ўрта босимли газ ўтказиш қувурлари қурилиши — 1,0 км*

***Кўрсатилган объектлар қурилиши давлат инвестиция ресурслари ҳисобидан молиялаштирилиб, фойдаланишга топшириш муддати шартнома бўйича белгиланади.***

**Пудрат танлов савдосида қатнашувчи ташкилотларга қуйидаги шарт ва талаблар қўйилади:**

касб-малака тажрибасига эга бўлиши, молиявий аҳволи муқобиллиги, керакли техник воситаларга эга бўлиши ва қолган шартнома вазифаларини бажариш қобилияти ҳисобга олинади.

**Танлов савдоси иштирокчилари танлов ҳужжатларини олиш учун шу йилнинг 20 февралидан 1 мартгача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:**

Гулистон ш., Ахтамова к., 30-уй, тендер ташкилоти вилоят филиали.

*Тендер ҳужжатлари нархи -15000 сўм*

**Оферталар 2001 йил 10 март соат 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.**
**Офертaларни очиш мажлиси 12 март соат 15.00 да тендер савдоси ташкилоти вилоят филиали биносида бўлади.**
**Мурожаат учун телефон: 27-64-42.**

3816


Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раҳбарияти, кекса санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти

**Ориф ҚОСИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ипакчилик илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг собиқ директори

**Муқаддас ҒАНИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи Б.Ниёзматовга акаси

**Абдумажид НИЁЗМАТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича проректори Ҳамидулла Абдуллаевга падари бузруквори

**УБАЙДУЛЛА отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:** Аббосхон УСМОНОВ



**Таҳрир ҳайъати:**

**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»), **М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»), **Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), **С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), **Ў. ҲОШИМОВ.**



**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2115, 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.** Навбатчи муҳаррир — **Ф. САНАЕВ.** Навбатчи — **У. ФАЙЗИЕВА.** Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.50*

1 2 3 4 5 6